

Риёзус солиҳийн шарҳи / Ҳаё ва унинг фазилати ҳамда у билан хулқланишга одатланмоққа тарғиб қилиш ҳақида / 1436-ҳадис

1436 - وَعَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ الزُّبَيْرِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا: أَنَّهُ كَانَ يَقُولُ دُبْرُ كُلِّ صَلَاةٍ حِينَ يُسَلِّمُ: لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَحْدَهُ لَا شَرِيكَ لَهُ، لَهُ الْمُلْكُ، وَلَهُ الْحَمْدُ، وَهُوَ عَلَى كُلِّ شَيْءٍ قَدِيرٌ، لَا حَوْلَ وَلَا قُوَّةَ إِلَّا بِاللَّهِ، لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ، وَلَا تَعْبُدُ إِلَّا إِيَّاهُ، لَهُ النَّعْمَةُ، وَلَهُ الْفَضْلُ، وَلَهُ الثَّنَاءُ الْحَسَنُ، لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ مُخْلِصِينَ لَهُ الدِّينَ وَلَوْ كَرِهَ الْكَافِرُونَ. قَالَ ابْنُ الزُّبَيْرِ: كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يُهَلِّلُ بِهِنِ دُبْرُ كُلِّ صَلَاةٍ. رَوَاهُ مُسْلِمٌ [594].

1436. Абдуллоҳ ибн Зубайр розияллоху анхумодан ривоят қилинади:

«Ибн Зубайр ҳар намознинг кетидан, салом берган пайтда шундай дер эди: «Лаа илааҳа иллаллоҳу ваҳдаҳуу лаа шариика лаҳ, лаҳулмулку ва лаҳулҳамд, ва ҳува ғалаа кулли шай'ин қодиир. Лаа ҳавла ва лаа қуввата иллаа биллааҳ. Лаа илааҳа иллаллоҳу, ва лаа наъбуду иллаа иййааҳу, лаҳунниъмату ва лаҳулфадлу ва лаҳус-санааулҳасан. Лаа илааҳа иллаллоҳу мухлисиина лаҳуд-диина ва лав қариҳалқаафируун», сўнг «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳар намоз кетидан мана шуларни баралла айтардилар», дер эди».

* Маъноси: «Ёлғиз Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ. Унинг шериги йўқ. Мулк Уники, ҳамду сано Уники. У Зот барча нарсага қодир. Аллоҳдан ўзгада на қудрат ва на қувват бор Куч ва қувват фақат Аллоҳ биландир! Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ. Унгагина ибодат қиламиз. Неъмат ҳам Уники, фазл ҳам Уники, гўзал мақтовлар ҳам Уникидир. Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ, динни Унга холис қилувчилармиз, гарчи кофирлар истамаса ҳам».

Имом Муслим ривояти.

Шарҳ: Ҳадиснинг бош қисми бу зикрни Абдуллоҳ ибн Зубайрнинг ўзи ўқиганлигини билдирса ҳам, ҳадиснинг охириги жумласида Расулуллоҳ

соллаллоҳу алайҳи васаллам томонларидан айтилганлигини билдирмоқда.

Бу ҳадиснинг бошидаги бир қанча жумла юқорида ҳадисларда баён қилинган. Бу ерда биринчи маротаба келган жумлаларни баҳс қиламиз. Булардан бири: «Неъмат, фазл, чиройли сано У Зот учундир» жумласидир. Ёб ичган, кийинган нарсаларимизни бир инсондан олган бўлсак ҳам буларнинг эгаси Аллоҳдир. Инсонлар фақат восита холос. Шунингдек, буларнинг барчаси Аллоҳнинг бизга берган бир лутфидир. Улуғ ва Устун Ягона яратувчи бўлгани учун энг гўзал Ҳамду сано Унгагина хосдир. Унинг бирлигини қабул қилмаган кофирлар қариқ кўрсалар ҳам, мунофиқлар буларни қилмаса ҳам, биз «чин юракдан, Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ» деймиз ва ибодатимизни қиламиз. Амалга оширган яхши амалларимизни қабул қилиб, уларга савоб берса, бу фақат Аллоҳнинг фазли ва лутфи туфайлидир. Амалга ёмон амалларимиз учун бизни жазоласа, бу Ёлғиз Аллоҳнинг адолати туфайлидир.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бу зикрни асҳоби киром эшитиб, ўрганиши учун бироз овозларини чиқариб ўқир эдилар.

Манба: hadis.islom.uz

